

10 25706  
o

10 25706  
o.

ОРЗУ

ВАСЛИНГ  
ЧАМАНИ

25706

10 0

2000A-2963

Opzy.

Вадим Ильин

марки.

2000A-2963

"2,

1997

160G

**ОРЗҮ**

**ВАСЛИНГ ЧАМАНИ**

Урганч—1997 йил

«Адабиёт оламида ўлим йўқ, бунда марҳумлар ҳудди тириклар каби ишларимизга аралашиб, ўзимиз билан ёнмаён юрадилар» деган экан рус ёзувчisi Николай Васильевич Гоголь. Бу ҳикматли сўзлар Юқори Дўрмонлик донишманд, газалхон шоир Орзу (Янгибой Қурбонниёз ўғли) ижодига ҳам даҳлдордай. Зеро шоирнинг бу фоний дунёни тарк этганига мана 20 йилга яқинлашиб қолган бўлишига қарамай, унинг асарлари ҳамон барҳаёт. Тўғрилик, ҳалоллик, инсонпарварлик соф муҳаббат ва вафони тараним этувчи бу газаллар, рубоийлар, шеърлар бундан 40-50 йиллар олдин ёзилган бўлса-да бугунги кунда ҳам адабиёт ихлосмандлари томонидан севиб мутолаа қилинади, таниқли ҳофизлар ва хонан далар томонидан қўшиқ қилиб куйланади.

Шоирнинг турли йилларда ёзиб қолдирган шеъру газалларидан тузилган ушбу тўплам сизга манзур бўлади, деб умид қиласмиш.

Нашрга тайёрловчилар:  
Қўзи ДАВЛАТОВ  
Матиазар АБДУЛҲАКИМОВ

ҲОМИЙ:

Урганч туманидаги «Гулистон» жамоаси хўжалиги раиси  
Қурёз ЗАРИПОВ,

25706  
10 . 0

A

O'zb. Res. DK  
2963

(С) ОРЗУ, «Васлинг чамани».

(С) «Хоразм» таҳририят-нашр бўлими, 1997 йил.

## КЕЧИККАН КИТОБ

Урганч туманидаги Юқори Дўрмон қишлоғининг бир чекка сида Араб овул деган кичкина гўша бор. Ўттизинчи йиллар нинг боши эди, чамзамда. Огулга Кўнғиротдан кекса ониси билан соқолларига оқ оралаган бир киши келди. Шу ерликлар уни очиқ чеҳра билан қабул қилишди, масжидга имомликка сайлаб қўйишиди. Кейинчалик у огулда уй-жойли, ер-мулкни бўлди. Огул кадхудолари уни шу ерлик Отаниёз отанинг Сафар гул исмли қизига ўйлаб ҳам қўйишиди. Улардан қиз тугилди, лекин бошқа фарзанд бўлмади. Раҳимажон ҳозир шу огулда ували-жували бўлиб яшайди.

Ўша кезларда мен ақлимни таниб, янги шўро тузуми мактабига қатиай бошлаган эдим. Биз ўқиш-ёзишини лотин алифбосида бошладик. Менинг саводим бир йилга етар-ётмас шу алифбода чиқди. Кунларнинг бирида «мулла ота» (овулдагилар у кишини шундай аташарди) мени ўз ҳузурига чақириб, шу алифбода ўқиш ва ёзишини ўргатишмни илтимос қилди. Ўйдаги токчада жилд-жилд қалин муқовали китоблар таҳланиб турган бу одамии «саводсизмикан» деб ажабландим. Лекин сўрашга ботинолмадим. Бу ҳақда кўп ўйлаб ўтирамадим да, мактабда ўрганган лотин ҳарфларни у кишига ўргата бошладим Тез орада «мулла ота» ҳам бинойидек» саводхон бўлиб олди.

Чамаси, бир йил ўтди. «Мулла ота» мени яна ўз уйига таклиф этиб қолди. Энди ў мени уйидаги «китоблар оламига» саёҳат қилдирди. Шу аснода у киши менга минг йиллардан бери халқимиз ўқиб, ёзиб келган араб алифбосини лотинчага ўзгартирилганини, асрлар оша асралиб, авайланиб келинаётган маънавий бойликларнинг араб алифбосида битилганини, бу бойликлар ана шу китоблар қатида сақлананаётганини нимадандир ҳадиксираб, лекин куониб гапириб берди.

Бу сўзларни эшитар эканман, ўзимни бутунлай бошқа бир оламга кириб қолганимни ҳис этдим. Ҳақиқатан ҳам «мўлла ота» мени бутунлай нотаниш бўлган дунёга етаклаб кирганини тушундим. Шу пайт мен «саводсиз» деб ўйлаган бу зот

Дунёдаги энг билимдон, улуғ бир сиймо бўлиб мурғак тасаввуримга ўрнашганди.

Шу йиллари қишлоғимизда «артель», «колхоз» деган сўзлар қулоққа чалина бошлади. Ҳамма ердаги каби Араб овулида ҳам деҳқонлар жамоаси бўлган мўъжазгина «Обод» деган колхоз тузилди. Унга ҳамма қатори «мулла ота» ҳам аъзо бўлиб кирди.

Хозиргидай эсимда, ўттизинчи йилларнинг охири, экин-тиқинлар йигиштириб олинган кеч куз эди. «Мулла отанинг» уйига кун ботиш олдидан уч-тўрт отлиқ киши келиб уй анжомларини, рўзгор буюмларини хатга туширишди, китобларини эса бир ерга тўплаб ёқиб юбормоқчи бўлдилар. Шунда «мулла ота» газабланиб: «Эй жоҳиллар, ахир булар Навоий, Фузулий, Бедил, Огаҳий китоблари-ку, ҳеч бўлмаса Худодан қўрқиб. «Қуръони Каримга» тегмасанглар бўларди» деб куюнганини ўз кўзим билан кўрганман. Шундан кейин уни ҳисбхонага олиб кетдилар. Динни тарғиб қиласди, имомлик билан шуғулланади, партия сиёсатига қарши ташвиқот юритади, деб айб қўйдилар унга.

Янгибой Қурбонниёз ўғли шу тариқа тўрт йил қамоқда бўлиб қайтди. Кўп ўтмай уруш бошланди. Уни ишчи батальонига чақиришди. Фронт орқасида қурол-ярог ишлаб чиқарувчи Урал заводларидан бирида икки йилча ишлаб қайтди.

Уруш тамом бўлгандан кейин у яна жамоа хўжалигига фаолият кўрсата бошлади. Хўжалик қурилиш бригадасида гиштчи, сувоқчи, печка қурувчи бўлди, кейинчалик боғбонлик билан шуғулланди.

1890 йилда Қорақалпоғистоннинг Қўнгирот туманида таваллуд топган Янгибой Қурбонниёз ўғли эллигинчи йиллар охирида фахрий дам олишга чиқди. У ана шундан кейин кексалик ёшида шеърият билан шуғуллана бошлади.

Шунда ҳам у ҳар бир мисрани ҳадик, қандайдир қўрқинч билан битар, партияга маъқул бўлармишан, дегэн андишада ижод қиласди. Инсонийлик, соф муҳаббат вафони таранинум этувчи ажойиб ғазаллар битди. Унинг бундай ғазаллари Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Рўзимат Жуманиёзов каби ҳофизлар дастуридан жой олди. Ҳозирги ёш хонандалар ҳам унинг ғазалларини қўшиқ қилиб куйлашади.

Янгибой ота ўз ғазалларини ота касби бўлган деҳқончилик ва деҳқонлар меҳнатини эъзозлашдан бошлади.

Емай дәхқоннинг ионин ким эрур қасби камол этган,  
Бу неъматларни ижод айлаган, албатта, дәхқондир.  
Неча сувсиз далалар боғ ила бўстонга айланди,  
Бу неъматларни қилган ҳалқ учун, албатта, дәхқондир.

Кекса газалхон ўз шеърлари, газал ва тўртликларида инсондаги энг яхши хислатлар илм-маърифатлилик, тўғрилик, одобиликни улуғлади, ёлғончилик, тилёғламчалик, гийбатчилик каби ярамасликларни қоралади.

Ҳар киши дунёга келди, қилмади илму ҳунар,  
Илм аҳлнини кўриб ичда гумон пайдо бўлур.  
Ким саҳоват пеша қилди, номи ҳаргиз ўчмагай,  
Ким ҳасису ҳам баҳилдур бад замон пайдо қилур.

Гар қўлингдан ё тилингдан наф етур ҳар кимсага,  
Бу ишингдин сенга мақбули жаҳон пайдо қилур.

Шоир бир тўртлигига гийбатчини шундай таъриф қиласди:  
Фийбатчи сенга бировнинг айбин изҳор айлагай,  
Сени ҳам шу кун анга айбингни бисёр айлагай.  
Солма фийбатчи сўзига оқил эрсанг ҳеч қулоқ,  
Дўстларингни душман айлаб ғамга дучор айлагай.

Янгибай ота Қурбонниёз ўғлиннинг юрагида қат-қат орзулари бор эди. Бу орзу-умидларни у ўз шеър газал ва тўртликларига жойларди, шу боис ўз таҳаллусини ҳам «Орзу» деб қўйди.

Шоир Орзу ўз ижодий маҳсулини тўплаб китоб ҳолига келтириб, нашр эттириш, баъзиларини газета саҳифаларида ёри тища ёрдам сўраб вилоят партия қўмитасига мурожаат этди. Лекин у ёрда ҳам бир жоҳилга дуч келди. У шоир олдига битмайдиган шарт қўяди - «Сен ислом динининг ёлғонлиги, худонинг йўқлиги ва ўзингнинг диндан қайтганлигинг ҳақида мақола ёзиб келасан, одамларни исломдан қайтишга даъват этасан, шундан кейин шеърларинг босилади. «Еу талабни эшитиб Янгибай ота ўта газабланган қиёфада менинг олдимга келди. Мен ўша пайтда туман газетасида муҳаррир эдим. У менга асабий, вужуди титраган ҳолда гапирав эди:

— Қадимда Нух Шервоний Одил деган подшо ўтган. У исломдан олдин яшаган. Шу сабаб динда бўлмаган, лекин унинг одиллигини, адолатли ва ростргўй шоҳ эканлигини бутун мусулмон дунёси тан олган. Мен партияда аъзо эмасман, лекин

ҳақиқат, тұғрилик, одоб ҳақида шеър битаман, нега ахир мени тан олишмайды, деб дардии түкди.

— Ҳеч ҳафа бұлманг, партия раҳбари бўлиб ўтирганлар орасида тентаклар ҳам йўқ әмас, гавҳар лойга тушса ҳам гавҳардир, шеърларингизни менга қолдиринг, ўзим сизга ёрдам қиласман, — дея далда бердим.

Шеърларнинг бир нечасини газетада чоп этдик. Бунинг учун обкомдагилардан танбеҳлар эшигтанман. Ўша пайтларда Тошкентдэги Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида элдошимиз, таниқли шоир Омон Матжон ишлар эди. Ёзувчилар иттифоқининг вилоят бўлимидаги ишлаётган Раҳим Бекниёз, Дўстжон Матжонлар кўмагида Орзу шеърларидан бир туркумини танлаб Омон Матжонга юбордик. Бир йилдан кейин, яъни 1979 йилда нашриёт «Оқсоқоллар қаломи» деган номда бир тўплам чиқарди. Унда Ўзбекистонлик бир неча нафар кекса газалхонлар билан бирга Орзунинг ҳам 20 дан ортиқ энг сара ғазал ва рубоийлари босилиб чиқди.

Афсуски уни кўриш отахон шоирга насиб этмади. У киши бу вақтга келиб салкам 90 ёшида дорилғанодан дорилбақога риҳлат қилган эдилар.

Хиванинг номдор мадрасаларидан бирида таҳсил олган, унинг ҳуярларида Сўфи Оллаёр, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Навоий, Фузулий Фирдавсий, Бедил, Ҳофиз, Оғаҳий ижод мактабини ўтган шоир, етук имом бўлган бу зотни элдошлари унутмадилар, у яшаб ўтган Араб овулидаги мактабга Орзу номини бердилар. Мен шоирга ҳамқишлоқ ва эрмондош бўлганим учун ҳам бу эъзоздан гоят қувондим.

Ўзбекистон истиқболга юз тутган ҳозирги мустақиллик замонида, қадриятларимизга кенг йўл очилаётган даврда Орзудек газалхонларимизнинг овози янада баланд янграйверади.

Қодир МАТЖНОВ,  
журналист.

## БАҲОР

Баҳор айёми келгач боғу сахро лолазор бўлмиш,  
Ҳаво дўстларни кўнглидек мусаффо, бегубор бўлмиш.

Чечаклар гунчаси очилғусидур лаъли жонондек,  
Муаттар қилди ер юзини, олами мушкибор бўлмиш.

Қизил гул гунчаси устинда булбуллар қилиб пола,  
Онинг ишқида турлик нағма қилмакка хумор бўлмиш.

Сабо боди эсиб ҳар ён, табнатларни чор айлаб,  
Бериб сайқал кўнгилга шоду ҳуррам ошкор бўлмиш.

Солиб маъшуқасин бўйнига илгин ишқ эли андоғ,  
Қилиб бояг сайрини бормакка кўнгли интизор бўлмиш.

Замину осмон ота-она янглиғ табиатда,  
Гиёҳ чиқмоқда боис осмондин қатра бор бўлмиш.

Жамоат ризқининг карвоибоши ҳар йил баҳор бўлса,  
Экиб турли зироатлар ҳалойинқа нисор бўлмиш.

Ариқлардин оқиб оби ҳаёт ер, кўкни матлуби,  
Униб турлича ҳосил ҳам дараҳтлар мезадор бўлмиш.

Сепиб деҳқон эли турли тухумлар ерини бағрига,  
Зироат шавқи бирла халқимиз меҳнат шиор бўлмиш.

Ажаб ҳайратшумул машиналар саҳрова иш айлаб,  
Неча сувсиз чўлистоиларни кўрсанг пахтазор бўлмиш.

Қилиб машғулият деҳқончиликни Орзу айлаб,  
Ҳалол меҳнатни ҳар ким қилди, умри навбаҳор бўлмиш.

## ХАНУЗ

Ақлимни олди бир пари, ишқинда ҳайронман ҳануз,  
Иүқ таңда сабру тоқатим, ҳоли паришенман ҳануз.

Юз жилва бирла ноз этиб олдимдан ўтди бир куни,  
Билмам нечун жон офати, чоки гирибонман ҳануз.

Қолдым изидин күз тикиб, жисмимда тоқат қолмади,  
Үздин кетиб бемор бўлиб мухтожи дармонман ҳануз.

Қоши камон, ўқ киприги, жаллодми ё икки кўзи,  
Қилгач назар, жон қолмайин жисм ичра нимжонман ҳануз.

Бир кун йўлиқди ногаҳон, ҳолим анго арз айладим,  
Қилди итоб қаҳр айлабон, бу ҳақда ҳайронман ҳануз.

Ишқ оташ қилди кабоб, икки кўзим бўлди пуроб.  
Ҳар кун бўлиб ҳолим ҳароб, бир зори гирёнман ҳануз.

Бир кун тавакқал айлабон, арзимни изҳор айладим,  
Ҳанда қилиб боқди манго, алтофи эҳсонман ҳануз.

Қўнглимда доим бу умид ишрат туни бўлғаймикин,  
Лайли учун Мажнун каби расвойи давронман ҳануз.

Ишқ аҳли оҳу зорини билмасми ҳаридорини,  
Орзу ёзиб ашъорини, бозгри тўла қонман бугун.

## КҮЗГУДА ЙҮҚ

Хуснингиз онча тиниқ, кўзгуда йўқ,  
Ҳолингиз янглиғ қаро ҳиндуда йўқ.

Лаълингизни шарбати жондин лазиз,  
Қаҳрингиз аччиғлиги лимуда йўқ.

Сийму-зарму васлингиз, оқу қизил,  
Бу латофат ҳеч бир гулруда йўқ.

Ким назар солса сиза беҳуш бўлур,  
Чашми фаттонинг каби жодуда йўқ.

Маҳлиқолар ичра сиздек бир гўзал,  
Арманистон, Тифлису Бокуда йўқ.

Сунбули зулфиниг муаттар бу қадар,  
Ноған чини аро оҳуда йўқ.

Қаҳрчанлик бобида сиздек гаюр,  
Балки туркман аҳли ҳам Моруда йўқ.

Баъзи вақтларда мулойим пешангиз,  
Оlam ичра ҳеч бир хушҳуда йўқ.

Орзу қилганини зулфиниг банд этар,  
Бу муасалсал зулф ҳеч моҳрӯда йўқ.

## ИЛТИЖО

САБО, жонона арзим бир дили афкор деб айтинг,  
Фироқинг шиддатидин доимо бемор деб айтинг.

Ётолмай васлинга бир неча йиллар хаста ҳолидур,  
Ениб ишқинг ўтига кўзлари хунбор деб айтинг.

Табиб дармон буюрмиш васлини дардига ошиқни.  
Шифойи васлинги қўил марҳамат изҳор деб айтинг.

Икки зулфинг яширмиш чирмашиб ул моҳирухсоранг,  
Муборак гул юзингни кўргали хуммор деб айтинг.

Мани маҳрум этиб васли гулининг боғидин доим.  
Ҳамиша суҳбатинда не учун ағёр деб айтинг.

Бу ҳасратдини кўнгил мақсадинга етмай ўлиб кетса,  
Бўлиб бўйинингга қони, бу санго душвор деб айтинг.

Карам айлаб анго васлингни боғин марҳамат айла,  
Санго базм оқшоми бир соҳиби асрор деб айтинг.

Агар лайливашим арзи дилимни сўрмаса ногоҳ,  
Нетай жону жаҳонни, ҳоли оҳу зор деб айтинг.

Ҳалол меҳнат этиб роҳат кўришни истаган ёрим,  
Ҳама васфидин аъло, яхши бу асрор деб айтиинг.

Агар лутфу иноят кўнглига солса ажаб эрмас,  
Қилибдур бу илтижони Орзу ашъор деб айтинг.

## ОРАЗИ ГУЛ

Эй, моҳилиқоң орази гул,  
Сиймин баданинда сочи сунбул,  
Кўрган юзинг айламас таҳаммул,  
Қутқармоқ ўзни бўлди мушкул.  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била нола қилди булбул.

Ҳуси иқдими ичра дилбарисан,  
Дилбарлар ичинда бир парисан,  
Матьшуқи жаҳонин гавҳарисан,  
Балким боши тоғи, афсарисан.  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била нола қилди булбул.

Иўқ шаҳр ичида сенинг назиринг.  
Ойина мисолидур замиринг,  
Мехринг мани айлади асиринг.  
Куйингни гадоси бу фақиринг.  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била нола қилди булбул.

Ҳажкинг ўти кўксими ёқибдур,  
Дарё каби кўз ёшим оқибдур,  
Эл бори маломатин тақибдур,  
Ишқ ичра жунунима боқибдур,  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била нола қилди булбул.

Ишқ аҳлини мубтало қилурсан,  
Раҳм айламайни жафо қилурсан,  
Агёра мудом вафо қилурсан,  
Лекин бу ишнинг хато қилурсан,  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била нола қилди булбул.

Аввал қилиб эрдинг аҳду паймон,  
Ваъдангни қилиб эдинг намоёи,  
Бўлдингми бу аҳдинга пушаймон,  
Кирдингми рақиб сўзига, эй жон,  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била иола қилди булбул.

Орзу ёзибои бу арзи ҳолин,  
Бир кўрмак ила у гул жамолин,  
Ўзга била билмишам ҳаёлини,  
Қилмасми насиб манго висолин,  
Васлингни мұяссар айла, эй гул,  
Шавқинг била иола қилди булбул.

## ВАСЛИНГ ЧАМАНИ

Эй, жабру ситамли ҳурзодим,  
Билдим ситамингни, шодибодим,  
Сен бирла ҳамиша фикри ёдим,  
Халқ ичра афсона бўлди одим,  
Етгайму санго бу арзу додим,  
Васлинг чамани бўлиб муродим.

Дилбарлар ичинда сен ягона,  
Ким кўрди санинг каби жопона,  
Хусн ичра бўлиб шоҳи замона,  
Чиндур бу сўзим, дема гумона,  
Етгайму санго бу арзу додим,  
Васлинг чамани бўлиб муродим.

Маъшуқ ҳамиша бевафодир,  
Ошиқлара иши кўп жафодир,  
Ағёр ила завқ ила сафодир,  
Бермак дил анго биллинг, хатодир,  
Етгайму санго бу арзу додим,  
Васлинг чамани бўлиб муродим.

Дилбарлар ичиндасан сан жафокор,  
Юз ваъда бериб келурга ҳар бор,  
Юздин бирга тошилмай эй, ёр,  
Ҳажрингда бу ҳаста бўлди бемор  
Етгайму санго бу арзу додим,  
Васлинг чамани бўлиб муродим.

Құлбамға ниҳон кел, әй нигорим,  
Мажнун каби қолмади қарорим,  
Сан Лайлисифат, олиб мадорим,  
Етгайму санго бу арзу додим  
Етгайму санго бу оху зорим.  
Васлинг чамани бўлиб муродим,

Орзу санго қилди илтижосин,  
Махрум қиласурми ошиносин,  
Қувларми эшикидин гадосин,  
Сўрмасми гарибу мубталосин.  
Етгайму санго бу арзу додим,  
Васлинг чамани бўлиб муродим.

## ФАЗАЛ

Хуш ул аҳбоб ҳайликим, анииг лафзи ҳалол бўлса,  
Вафо аҳдига қилмоқ бирла доим баркамол бўлса.

Вафо шартнини буздиким, ани одам ҳисоб этма,  
Ки ондин узма қўйл, кўиглнингда содик эҳтимол бўлса.

Агар мансаб эгаси бўлганингда ер юзи дўстинг,  
Қочарлар барча дўстинг гар бу мансабга завол бўлса.

Нечак иодон элин таълим ила қадрии баланд этсанг,  
Сани ташлар баланддии пастга, ул бадга мақол бўлса.

Биродар, юв қўлини ул рафиқинингдин, нечунким ул,  
Санго душман кишини улфат айлаб «келу қол» бўлса.

Вафо кутма сен ондин, тош ила гавҳарни фарқ этмас,  
Сўзинга эътибор этмас, неча ширин мақол бўлса.

Киши сўз гавҳарин билса баҳосини, жон фидо айла,  
Эшак ҳолвони билмас лаззатин, ҳар қанча бол бўлса.

Вафо иста саҳоватпешалиқ қилсанг кима, дидини,  
Ҳамиша мева ерсан ўз қўлини эккан ниҳол бўлса.

Агар тарқ этмасанг жаҳлу такаббур беадабликни,  
Ажабмас умринг ичра обрўйнинг пойчмол бўлса.

Агар мақсадталабсан, ростликни Орзу айла,  
Тополмас тўғри йўлни кимки қизби моҳусол бўлса.

## НОН ҲУРМАТИ

Мұхтарам ёру азизлар, ҳурмат айланғ ионни—  
Белга қувват, жонга роҳат, боисидур жоннинг.

Қылсанғиз тақлиф агар дўстларни боғаро  
Бўлмагай ион бўлмаса мақбули бу эҳсоннинг.

Турли неъмат бор жаҳонда, лаззатидур ўзгача,  
Нон бўлолмас, қўйса турлик неъмати алвонни.

Қўйса дастурхон устида қабобу холвайтар,  
Бўлмаса ион кўнглини ҳеч олмагунг меҳмоннинг.

Иўлда ётган бўлса ионнинг бурдасин олган киши,  
Одам авлодни азизи, сақлаган имончи.

Нони ҳурмат айламай, ҳайвонга берса ҳар киши,  
Демангиз одам ҳисоби бу каби нодонни.

Нон азиздир барча неъматлар аро, эй дўстлар,  
Қадрига етмоқ муқаддас бурчи ҳар инсоннинг.

Халқ учун турлича маҳсулот экиб фасли баҳор.  
Билса яхши ҳар киши бу меҳнатин дехқоннинг.

Борми дунёда киши ионисиз тириклик айлаган,  
Қил ташаккур жонга қувват бергувчи дармонни.

Сўзниңг асл маъносин Орзу қилған киши,  
Үлки оқил, ҳурматин қилгучи дастурхоннинг.

## ДОНО БИЛАН

Эй кўнгил, ҳамеуҳбат ўлғиз мардуми доно билан,  
Очилур қалбиниг ҳамиша ҳар дили бийно билан.

Ақл аҳлига бўлиб улфат, қочнинг нодондии,  
Тун қоронги ўхшамас хуршиди дилоро билан.

Билмак истарсан бироннинг ботинин, кўр улфатин,  
Бир эмас гавҳар баҳоси қўҳи санг, хоро билан.

Ҳар кишининг ақли бордир, қасб этар илму ҳуниар,  
Тенгму бирон қатраси ул мавж уран дарё билан.

Қайси қуш сайёднинг домига тушди, ўхшамас,  
То наво қилган гул узра булбули шайдо билан.

Хуш эли хуш аҳлини, жоҳил тонар нодонни,  
Боги бўстон ичра булбул, ваҳшийлар саҳро билан.

Хуш элидин келса меҳмон, жони дилдан хизмат эт,  
Яхши ном оламда қолсин, обрўй аъло билан.

Лутфт эҳсон бирла душман дўст бўлса йўқ ажаб,  
Шер ҳам қилгай итоат марҳамат, оро билан.

Маърифатдин бехабар умриниг ўтибдир, Орзу,  
Бўлса ақлининг улфат ўлма ботини расво билан.

## НЕ СУД

Йозага чиқмас эса ер остида көндии не суд,  
Элга нағи йүқ ҳасис ойборида дондии не суд.

Исми зохир, ўзи тойиб шұхрати оламдадир,  
Баҳри уммөн ичра мағфий дурри ғалтандин не суд.

Гар шақарда дүсті содиқ ошноси бўлмаса,  
Сурати одамсифат андог инсондин не суд.

Мұхтарам бўлмай эл ичра мингга етса ёш агар,  
Бўлмайни обрўйи, ичган оби хайвондин не суд.

Иигнамоқ дунёни молин нағс-учун овворадир,  
Муршиди комил атанған жири иодондин не суд.

Нече йил дорилғунунда ўқисаң ҳар турли фан,  
Кирмаса маъни қулоққа, сўнг пушаймондин не суд.

Гўйё дарё ёқосинда истиқомат айлабои,  
Умринг ўтса, ташналаб қолганда афғондин не суд.

Халқпарвар бўлмайни фақр аҳлига қилса ситам,  
Гар адолат бўлмаса бўлганда султондин не суд.

Фарқини билмай назм бирла насрнинг шевасин,  
Ўз тилидан бехабарларга газалхондин не суд.

Орзу қилмас эса ижоднинг аҳли назар,  
Токи маъни бўлмаса тартиби девондин не суд.

## Андишасиз

Оқыл әрсанг сол қулогинг, хор бўлур андишасиз,  
Турли офат бошига дучор бўлур андишасиз.

Фикр қилмай оқилу доно киши сўзни демас,  
Ўйламай айтган сўзинг озор бўлур андишасиз.

Чиқса ҳар бир сўз оғиздин мисоли отилган ўқ,  
Мумкин эрмас қайтариш, бадкор бўлур андишасиз.

Маслаҳат бирла қилингай ишни эл айлар қабул,  
Машваратсиз ҳар ишинг бекор бўлур андишасиз.

Сўз дурининг маъноси бир гавҳари қимматбаҳо,  
Сўзи аччиғдин ҳамма безор бўлур андишасиз.

Дўстларингни айбини ағёрга фош айласанг,  
Нафрат айлаб ёрлар ағёр бўлур андишасиз.

Топса ожизларни ҳурмат айламай қилса жафо,  
Охирини кўр ани, афкор бўлур андишасиз.

Ҳаждин ортиқ бир дили пошодни шод айламак,  
Кўнгли тош беражмлар маккор бўлур андишасиз.

Айлагай нафрат хиёнат аҳлидии доно киши,  
Феъли бадга бад қилиқ тайёр бўлур андишасиз.

Камтарину маънилик ширинсухан бўл, Орзу,  
Маънисизга маънисиз ҳамкор бўлур андишасиз.

## ҲАСИСЛАР ҲАЖВИ

Гар ҳасис гавҳардин этса чош этиб хирмонини,  
Жони чиққай ногаҳон ким еса бурда ионини.

Лаъли ёқут тӯшалиб ётса оёғи остида,  
Эл анинг кўрган эмас умринда дастурхонини.

Халқининг ионин емакда мисли юҳо тўймагай,  
Гўиёҳ ханжар каби ўткир этиб дандонини.

Үйнга меҳмон бўлиб келса бандоҳо дўстлари,  
Осмонга учгуси ақли олиб дармонини.

Ҳув чекиб келса гадо қувгай, изидан қолмагай,  
Оч гадо кўрган эмас бир пулчалик эҳсонини.

Арна, буғдой экса ногоҳ устида сақчи қўйиб,  
Қуш, қориника тотган эмас хирмонидан донини.

Бўлса молик ер юзи амволига аҳли ҳасис,  
Қўшинилар кўрган эмас умринда бир меҳмонини.

Хайри эҳсондин гапирсанг солмагай ҳаргиз қулоқ,  
Бургани сиққан билан ким кўрди қатра қонини.

Қўл узатма сифла бирла ҳар ҳасиснинг номига,  
Лутф этиб кўкка чиқарма сен алар аффонини.

Эл учун хизмат қилурлар мард йигитлар доимо,  
Раҳмат айтгайлар халойиқ гар эшилса номини.

Мард йигитлар бир узумни қирқ киши бирла тутур,  
Халқ аро мақбул бўлиб севгай шарафлик шонини.

Орзу, аҳли карамнинг яхши номи ўчмагай,  
Ким ҳасиседур, охири ошкор этар бад номини.

## ЧУГУЛЛАР МАЗАММОТИ

Ақл аҳли әрсанг бормагил, қалбнингни тор айлар чуғул,  
Ҳамроҳ бўлиб ҳеч юрмагил, ўзига ёр айлар чуғул.

Сиррингни изҳор айлама, маҳрам бўлиб ҳеч бир замон,  
Магриб ила Машриқ аро ҳам ошкор айлар чуғул.

Ғафлат юзидин алданиб, тасдиқ этар эрсанг агар,  
Сан ҳам анго аъзо бўлиб, ичинингни нор айлар чуғул.

Ҳар қанча дўстнинг бор эса, борини душман айлагай.  
Сўнгра пушаймондин не суд, дўстларга зор айлар чуғул.

Бир неча дўстлар бор эди, қилди мани андин жудо,  
Шайтонга ул устод экан, макрини кор айлар чуғул.

Ким они қорнин тўйғазар, инсон ҳаёл этминш ила,  
Нони қуюқ, оши суюқ деб ошкор айлар чуғул.

Бир нечалар улфат билиб айрилди дўсту ёрдан,  
Лаънат тошини отмасанг макрин шиор айлар чуғул.

Туғ денг юзига кўрсангиз, тепинг думига учраса,  
Мажлис аро йўл бермайин, қўнглиниг губор айлар чуғул.

Халиқ ичра иғво тарқатиб, дўстларни дўстдан ажратиб,  
Халиқ интизомин бузмоққа иғвони кор айлар чуғул.

Ғийбатни одат этмаса, бош оғриғи тутмнш экан,  
Ғийбат анго бўлмиш даво, йўқса бемор айлар чуғул.

Гар учраса акси етар, қочмоқни қилғил Орзу,  
Иғво қилолмай қолса гар, кўп бекарор айлар чуғул.

## АЙЛАНУР

Пок дил бўлган киши қалби зиёга айланур,  
Шамси анвардек дили нурий сафога айланур.

Меҳрини дилларга жо қилмоқ шарафли иш эрур,  
Қадри ортиб эл аро гўё ҳумога айланур.

Ким алифдек тўғри бўлса, етмагай оғат анго,  
Файну мимдек бўлса какж, ғамлик балога айланур.

Истаса доною оқилларга бўлмоқ ҳамнишини,  
Норасо ҳам бўлса ул, ақли расога айланур.

Камбағал деб ҳар кими таъна маломат қилмаким,  
Бахт ёвар бўлса элга раҳнамога айланур.

Меҳнат этмай аввало роҳатни ҳеч ким кўрмади,  
Ул ҳалол меҳнат туфайли пешвога айланур.

Қилмаса ҳар ким ҳалот меҳнатни номус ор этиб,  
Айлабон элдин таъма, мисли гадога айланур.

Душманни дўст айласа ширин сухан изҳор этиб,  
Мардлар мардонидур, аҳли вафога айланур.

Мушкулин биткарса, кимни қодир ўлган чогида,  
Эл ичинда гарди пойи тўтиёга айланур.

Даҳр аро ҳар ким муҳаббат меҳрини фош айласа,  
Орзу айлаб бори эл, марҳабота айланур.

## ҮСТОЗЛАР

Түпланиб учса кабутар ҳеч бўлолмас ғозлар,  
Токи ўрдак бўлмағай, сайд узра учган бозлар.

Неча турлик иола қилсни қумрилар гул устида,  
Мумкин эрмас чиқмаги булбулсифат овозлар.

Машқ қилмай илгига олса қуролни сайд учун,  
Ҳеч уролмасдур нишон ул янглиғ тиірандозлар.

Шеърнит олимлари мазмун аруз қофиясини,  
Ўқиса бошинда булбуллар қилур парвозлар.

Бўлмаса қофияси вазни била мазмунин ҳам,  
Пардасиз танбурга нохун урса, ёқмас созлар.

Мажлис ичра аҳли шоир ўқиса ижодини,  
Халқ берур онинг баҳосин, бўлса кўп ё озлар.

Ўлмасин ҳар шеърнинг мазмунин дунё борича,  
Чуники боқийдур ёзиб кетди китоб устозлар.

Айласа мазмунини тасдиқ ҳар гавҳаршунос,  
Номинг ўлмас, ёдгорлик айлагай ҳамроzlар.

Қофия вазни била мазмун бадиий бўлмаса,  
Қилса ёзмоқ орзу, ҳеч бўлмағай мумтозлар.

Орзу, лоф урма шеърингдин, ўзниг ҳаддингни бил,  
Аҳмоқ ўзин мақтаюр дер соҳиби мумтозлар.

## АДАБ БҮСТОНИДА ГҮЛНОРЛАР

Эй кўнгул, бўлғил адаб бўстонида гулнорлар,  
Кўрса гулни тож этар бошига ҳар дилдорлар.

Одамийларнинг гулидур бўлса ҳар ким боадаб,  
Беадабдин ҳар кима доим етар озорлар.

Ёшларни тарбият қил маърифат гулзорида,  
Боғбон тарбиясига боғлиқ мевазорлар.

Мевасидур маърифат гулзорининг илму ҳунар,  
Муҳтарам бўлмоқ нишони бўлса бу кирдорлар.

Маърифат бирла қадам қўй, кўрсатур мақсадга йўл,  
Тўғри йўлдан чиқмадилар маърифат осорлар.

Кўнглиниг оти ақл саҳросидин ҳаргиз ўтмасин,  
Йўқ ажаб бўлса ҳаводис лойига дучорлар.

Мажлис ичра ўлтириб беҳудага тил очма ким,  
Кўп кишилар тил балосиндин бўлибдур хорлар.

Кўр ўзингдин бир жиноят бирла ушлаб элтсалар,  
Товламас эрди қулогин соз эса дуторлар.

Кўча кўйда маст бўлиб ётма томошолар бериб,  
То адаб жойига элтиб қилмасин хушёрлар.

Жамиятдин айрилиб олма ўзингни бир тараф,  
Тоғ паноҳин ястаниб ҳеч ўнгмади таррорлар.

Яхши бўлсанг яхши дерлар, чун ёмон бўлсанг агар,  
То жаҳон боринича бад номинг қилур изҳорлар.

Билмай ўз ҳолинг ҳавога учма, эй кўнгил қуши,  
То тушолмай ерга, жисминг бўлмасин абгорлар.

Бўл адаб бирла муҳаббат гулшанининг бир гули,  
Булбули шурида гул ишқинда айлар зорлар.

Гар саломат бўлмоқ истарсан жаҳонда, Орзу,  
Қил қаноат, йиғ тилинг, бас сенга бу гуфторлар.

## ФАРЗАНДЛАРГА НАСИХАТ

Эй ўғил, сўз қадрини бил, шодмон айлар сани,  
Гар амал қилсанг бу сўзга комирон айлар сани.

Умри йўлдошингдин ўзга дилрабога берма дил,  
Пок диллар шеваси иззат нишон айлар сани.

Маърифат бўстонида қил тарбият авлодинги,  
Қариганда баҳтиёр, роҳат бажон айлар сани.

Дўсти содиқларга сарф эт ошу нонинг, эй ўғил,  
Обрўйинг элда машҳури жаҳон айлар сани.

Дўст илгидан қора сув ичганингни бил асал,  
Гар асал душман қўлидан бадгумон айлар сани.

Қўл узатма ҳар хасис, нокасни дастурхонига,  
Миннати кўксизг тилиб бағрингни қон айлар сани

Сан такаббурлик била бошинг юборма осмон,  
Бўйтеракдек мева қилмай, бенишон айлар сани.

Бу азиз жисемнig саломат бўлмоғини истасанг,  
Оз егил, оз ухлагил, дарддин омон айлар сани.

Чорпойдек ҳар на келса олдинга, нуш айласанг,  
Қўхна девор янглиғ умринга зиён айлар сани.

Майпарастликдин қочиб, ақли расога ҳамдам ўл,  
Халқ ичинда яхши номингни аён айлар сани.

Аҳли ҳикматларнинг гавҳар сўзларини қил Орзу,  
Бу шарафдин муҳтарам жисм ичра жон айлар сани.

## ҲИКМАТ

Үтдилар доною оқиллар, бары хислатлидур,  
Бу масални дедилар, ҳар сүзи ҳикматлидур.

Сен қозон юзи қаро деб отма нафрат тошини,  
Турлы неъмат ичинда доим пишиб лаззатлидур.

Мис бақир юзина олтин сув бериб қўйсанг, баҳо,  
Мис баҳосидин зиёд олмас, нечун иллатлидур.

Кўнгли ганжи тўлса гар илму ҳунардин ҳар киши,  
Эгнида йиритиқ чопон бўлган билан иззатлидур.

Ёшинга мағрур бўлиб қилма ҳақорат ёшни,  
Маърифатсиз шайхдин илм бирла ёш ҳурматлидур.

Ҳар кишини камбағал деб даҳр аро айб айламанг.  
Илгида бўлса ҳунар ҳар шаҳр аро давлатлидур.

Фақр элига қелса меҳмон олдига чиқса кулиб,  
Меҳмондин юз ўғирган бойдин ҳимматлидур.

Дўсту душманни билурсан тушса гар бошинга иш,  
Баъзиси ҳолинг сўрарлар, баъзиси нафратлидур.

Кўнгли соғ аҳли карамга айтсанг муҳтоҗиниг битар.  
Сўрма нокасдан мэдад, ҳар бир иши миннатлидур.

Сангি хоро ногахон синдиреса олтин косани,  
Сангни олмас бир пула, олтин яна қимматлидур.

Бир ғариб муҳтоҗининг кўнглини олсанг раҳм этиб.  
Дарҳақиқат, яхши минг ҳайдин бу иш, ҳужжатлидур.

Ҳар қаю ҳикматли сўз доноға хольвою асал,  
Ёқмагай нодон қулогига, нечун гафлатлидур.

Орзу, қилгил қаноат, эгма ҳар эшикка бош,  
Меҳнатинг бирла атола жонинга роҳатлидур.

## ҲИКМАТ

Жаҳонда оқил одам хулқи хуш кирдор деб англа,  
Ҳалойиқ дўсти бўлмиш хуштакаллум ёр деб англа.

Кўнгилдан кетгуси ғам, маърифат аҳлига улфат бўл.  
Қилур қалбинг мусаффо, шодлик осор деб англа.

Насиҳат қиласа доно ҳар сўзин жавҳардни ортиқ бил,  
Деса нодонлара, наштар мисоли хор деб англа.

Ҳавога чиқмагил мағрур бўлиб, наслинга фахр айлаб,  
Дарахтким, шохаси паст бўлса мевазор деб англа.

Бўлур сиҳҳат жароҳат қиласа тиғ марҳам билан шаксиз,  
Жароҳат қиласа тил, битмас, мудом озор деб англа.

Агар доною оқил сухбатингга учраса ногоҳ,  
Очилиган ғунчадек боғ ичра бир гулзор, деб англа.

Агар ҳурмат қилурсан ҳар кишини жони дил бирла,  
Бўлиб мақбул жаҳонга, барча сенга ёр деб англа

Ҳасад аҳли йўқ эрмас, ўзгани ҳаргиз кўролмайдур.  
Ҳасад ўти ичин дуд этгали бемор деб англа.

Кишиким фитиабоши, бадқилиқ бирла ўтар умри,  
Жаҳонда қанча миллат барчаси бозор деб англа.

Ҳамаша мард йигитлар эл учун хизматга бел боғлар,  
Эрур ул халқ дўстн, ҳурмати бисёр деб англа,

Бу ҳикматларни ҳар ким тутса дилда орзу айлаб,  
Ҳалойиқ ичра оқил соҳиби ҳушёр деб англа,

## ХИКМАТ

Истасаң оламда неча мәрд йигитлар бордур,  
Қалби соғ, ахлы қадрдонлар била ҳамкордур.

Дүстлар қадрини билгил, көтма ҳаддингдан ошиб,  
Түшсө иш бошынга илгинг тутгувчи ғамхордур.

Даҳр аро ҳар кимни күрсанг дүстлик изҳорин эт,  
Бу шараф бирла ҳамиша барча сенга ёрдур.

Дүсти содиқ шеваси шод бўлганингда шод бўлур,  
Ғам кунииг ғамгии бўлиб доим санго дилдордур.

Кажтабиатларни кўрсанг қоч улардин, бўл йироқ,  
Улфат ўлсанг яхшиларга кўп шарофат бордур.

Халқ дўстидур киши, ким ташласа манманликни,  
Иўқ саҳарким, қалбидан нафрат анго дучордур.

Бадтабиат, бадқилиқлар бирла ҳамро бўлмаким,  
Сўзини аччиқлиғи жонинга заҳри мордур.

Яхшироқ маҳбуслик доқо билан зиидон аро,  
Бошига ғам келтирур иодонга улфат дордур.

Сан ўзингни эр билсанг ўзгаларни шер бил,  
Ўзини кам түтса ҳар ким ўзгадин хушёрдур.

Гулшани мажлиста кирсанг топма ҳаргиз бадхабар,  
Гарчи топсанг ёз куни—қиши куни ёғған қордур.

Орзу, англар бу сўз маъносини доно киши,  
Айл әлига мўмиё бефаҳмга озордур.

## ҲИҚМАТ

Садаф юз дона гавҳар қилса, кўксинда ниҳон айлар,  
Ниҳон тутмоқ гуҳарни барча оғатдин омон айлар.

Қилиб изҳор элга ҳарна борингни ғифтихор этсанг,  
Топиб хилватни ғийбат этмак ила қасди жон айлар.

Тошиб сув хонасига сигмайин турли тараф кетса,  
Этиб банд соқасин, ўзини ташна, бенишон айлар.

Ичи нур найшакар қимматбаҳо чиқмас садо андин,  
Ичидир холи бўрё қамишин, турлик фиғон айлар.

Неча эҳсон қилмасин, чиқмагай ун ҳеч сахийлардан,  
Товуқ бир дона тухмини қоқолаб, элга аён айлар.

Риён шайх Оллоҳга ибодат қилса фаҳр этгай,  
Мисол бутхона қўнгирогидек шуҳрат нишон айлар.

Самога бош чекиб, кўр бўйтеракни кесдилар белни,  
Дараҳти босамарга тиғ урмас гулситон айлар.

Баландга чиқмоқ истарсан, қадам қўй кам-кам, оҳиста,  
Чиқиб бирдини, йиқилсанг, ногаҳон, қаддинг камон айлар.

Ҳавога чиққуси ҳаддини билмай йўл ғубориким,  
Тушниб ерга, оёқ остинда ўзни, нотавон айлар.

Камолот истасанг дониш эличининг сухбатин ахтар,  
Алар сўз гавҳарни фош айлабон, ширин забон айлар.

Адаб бирла тавозе камтаринлик Орзу айлар,  
Бу хислат кимда бўлса эл ўзига мөхрибон айлар.

## ҲИҚМАТ

Биродар, әлга раҳбар бўлмогиниг ақлу адабданур,  
Жамоатларга сарвар бўлмогиниг ақлу адабданур.

Ўсар ҳар ким жаҳонда хулқи хушлиқ, боадаб бўлса,  
Халойиқ ичра гавҳар бўлмогиниг ақлу адабданур.

Адаб бир тоғи гавҳардур, киши билса анинг қадрни,  
Бу давлатга муиссар бўлмогиниг ақлу адабданур.

Улугларни отадек ҳурмат этсанг гар йигит чоги,  
Улуг бўлганда ҳурмат кўрмагиниг ақлу адабданур.

Агар ҳамсуҳбат бўлсанг доимо ақли расоларга,  
Кўнгил ганижини анвар қилмогиниг ақлу адабданур.

Насиҳат қилсалар доною оқиллар санго ногоҳ,  
Қулоққа халқаи зар қилмогиниг ақлу адабданур.

Бирор қаттиғ сўз айтса юзина боққил кулиб анинг,  
Уят юзини заъфар қилмогиниг ақлу адабданур.

Агар шуҳрат қозонсанг Жомнию Фирдавсий донодек,  
Фаросат бирла камтар бўлмогиниг ақлу адабданур

Агар дунёни молии йиғнасанг, билмай ҳисобини,  
Ширин сўз бирла шаккар бўлмогиниг ақлу адабданур.

Қаю суҳбатда бўлсанг беҳуда сўзларга тил очма,  
Мажолис ичра зевар бўлмогиниг ақлу адабданур.

Дедим мен Орзу аҳбобларга ушбу ашъорим,  
Бу ҳикмат тоғи афсар қилмогиниг ақлу адабданур.

## ҲИКМАТ

Маънилик сўз чиқса тилдин, мисли гавҳар донадур,  
Чиқса фоҳиш сўз дилингни, билки ифлосхонадур.

Ким муҳаббат меҳрини олам аро фош айласа,  
Хушсуханлик бирла инсонлар аро мардонадур.

Сен қамиш кулбанг аро дўстларга бўлсанг ҳамнафас,  
Ул қамиш кулбангни бил жаниат аро ризвонадур.

Қўшки айвонини кўрмас эрса хешу ақрабо,  
Қўшки айвон дема онни, бир бузуқ вайронадур.

Зоҳирин эски либос деб ҳар кими кўрма ҳақири,  
Моҳир ўлса илму фанга ботини нурхонадур.

Савлатин тузган нечалар ўзларин аллома деб,  
Кавласанг абжадни билмас эл аро афсонадур.

Дўсту душман фарқин этмай, барчага қил яхшилик,  
Душманин дўст айламаклик қалби соғ инсондур.

Дўстинг қилсанг хиёнат бадтабнатлик билан,  
Душманинг жонинг бўлиб, дўст сенга бегонадур.

Мингга етса дўсти жонинг билма кўп оқил эсанг,  
Гофил бўлма душманингдин, гарчи ул бир донадур.

Душманинг оқиз дебон, солма оёқнинг остига,  
Жондин узса умид, ул Рустами достонадур.

Хушинг бўлса эҳтиром этма касофат аҳлини,  
Инглагай иокас қўлингда ул узук-дурдонадур.

Ҳар киши доно бўлур ҳикмат бўлогин истаса,  
Орзу чун ҳикмат аҳли бирла улфатхонадур.

## РУБОИИЛАР

Яхши ўлса барча йиғлаб дод этар,  
Оҳу фифонлар чекиб фарёд этар,  
Фитна боши, ўгри, золим ўлсалар,  
Ким эшитса барча кўнглин шод этар.

\* \* \*

Тарбият ўгрини ҳам тўғри қилур,  
Ўгрилар тўғрини ҳам ўғри қилур.  
Ҳар иечук қийшиқ ёғочдин соз учун,  
Усталар ишлаб ани тўғри қилур.

\* \* \*

Одами бор, токи жонга арзигай,  
Жисемида ҳар мўйи қонга арзигай.  
Одами бор, неча одамлар аро.  
Кўрмасанг юзин жаҳонга арзигай.

\* \* \*

Яхшиларниң сўзлари қаймоқдур,  
Лутфи эҳсон бирла сўз айтмоқдур.  
Улфат ўлсанг бир чугул наммом ила,  
Нони ошиниг еб иши саймоқдур.

\* \* \*

Нечалар дуниёга хирсини қўйиб,  
Чиқса бир пул ёнидан жоидин тўйиб.  
Гар ажал тутса ёқасин бир куни,  
Ўзгалар ер қўю қўчкорин сўйиб.

## ҚИТЪАЛАР

Едгор бўлмоқ тилаб ижод қилсанг бир асар,  
Номинг ўлмас асрлар, ёд айлагай қилган назар.

Кўнгли ганжи боги ҳикмат мевасин изҳор этиб,  
Яхши ном оламда қолса мундин ортиқ йўқ самар.

Ҳар кишининг дўсти доим ўзининг ақли эрур,  
Душманни ҳам ўзининг умри абад жаҳли эрур.

Тушса офатлар бошига ҳеч кишидин кўрмасин,  
Солган офат бошига жаҳли-ла ўз феъли эрур.

Бўлмаган гавҳаршунос ҳар муҳрани феруза дер,  
Гар мұяссар бўлса феруза ани ҳар муҳра дер.

Анинг учун ҳикмат аҳли деди: нодондин қочинг,  
Ҳикмат аҳлин супла деб, суплани гавҳар реза дер.

Сўзламакда тилга ҳаргиз ихтиёри йўқ анинг,  
Шубҳа йўқ эл ичра доим эътибори йўқ анинг.

Сўзламак қилсанг иродага кўнглинига қил маслаҳат,  
Йўқ эса бадном бўлиб номуси ори йўқ анинг.

Душмани донога улфат айласанг наъфи етар,  
Дўст нодон бўлса улфат бўлма, обрўйинг кетар.

Гарчи нодон бошига тож этса мағрур бўлмаким,  
Суҳбати таъсири охир сани ҳам нодон этар.

Айласанг таҳриқ гулни анбарин мушкин сочар,  
Гар нажасни қўзғасанг бадбўйлик бобич очар.

Ҳар сўзингдин мушк иси етсин халойиққа мудом,  
Чиқса ифлос сўз гар оғзингдин ҳама дўстлар қочар.

Яхшилик бирла ёмонлик кўнгил ичра жой олур,  
Мис, тошга хат ёзилгач умрбод ўчмай қолур.

Гарчи бадлик нақшини солдинг кўнгиллар лавҳига,  
Узр оби бирла маҳв эт марҳамат куйин чолур.

## МУНДАРИЖА

Кечиккан китоб	3
Баҳор	7
Ҳануз	8
Кўзгуда йўқ	9
Илтижо	10
Орази гул	11
Васлинг чамани	13
Разал	15
Нон ҳурмати	16
Доно билан	17
Не суд	18
Андишсиз	19
Хасислар ҳажви	20
Чуғуллар мазаммоти	21
Айланур	22
Үстозлар	23
Адаб бўстонида гулнорлар	24
Фарзандларга насиҳат	25
Ҳикматлар	26
Рубоийлар	32
Қитъалар	33

Адабий—бадний нашр

ОРЗУ

(Янгибой Қурбонниёз ўғли)

ВАСЛИНГ

ЧАМАНИ

(Ғазаллар, шеърлар, рубоиylар, қитъалар)

Муҳаррир О. Эгамова, Б. Бекматов.

Техник муҳаррир Қўзибой Сапаев

Рассом Солий Қодиров

Мусаҳҳих Муҳаббат Хўжамуродова

Босмахонага берилди 2. 01 97 Босишга рухсат этилди  
10.VI.97 формати 60/84 1/16. Рўзнома қоғозига юқори босма  
усулида босилди, Босма табори—2. Нусхаси—1000. Буюрт  
ма № 15 Баҳоси шартнома асосида.

**Хоразм вилоят Матбуот бошқармасининг «Хоразм» таҳри-  
рият—нашр бўлими, 1997 йил**





Сен қозон юзи қаро деб  
 Отма нафрат тошини,  
 Ичида турлик таом  
 Пишган, билан лаззатлидир.

